

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИНИНГ ҚАРОРИ

---

1997 йил 25 февраль

Тошкент шаҳри

**Хоразм вилояти ҳокимлигининг 1996 йил 11 ноябрдаги 275-рақамли қарори билан қабул қилинган «Вилоят ҳудудида бадий жамоалар концерт гастрол фаолиятини ҳамда якка ижрочиларнинг тўй ва маросимларда бадий хизмат кўрсатишларини тартибга солиш мақсадида давлат рухсатномаси (лицензия) бериш ҳамда маданий хизмат бюроси фаолияти тўғрисида» Низомнинг 2.7-банди Конституцияга мослигини текшириш тўғрисидаги иш бўйича**

Конституциявий суд Раис Б.Эшонов, судьялар О.Эрназаров, Ғ.Абдумажидов ва Г.Пиржановдан иборат таркибда,

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 109-моддасининг 1-бандига ва «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасига амал қилиб, Хоразм вилояти ҳокимлиги томонидан қабул қилинган «Вилоят ҳудудида бадий жамоалар концерт гастрол фаолиятини ҳамда якка ижрочиларнинг тўй ва маросимларда бадий хизмат кўрсатишларини тартибга солиш мақсадида давлат рухсатномаси (лицензия) бериш ҳамда маданий хизмат бюроси фаолияти тўғрисида»ги Низомнинг 2.7-банди Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасига қанчалик мос келиши тўғрисидаги ишни очиқ суд мажлисида кўриб чиқди.

Ишни кўриб чиқишга Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьялари О.Эрназаров, Ғ.Абдумажидов, Г.Пиржановнинг ташаббуси асос бўлди.

Маърузачи судья О.Эрназаровнинг ахборотини, Хоразм вилояти ҳокимининг ёзма тушунтириши ва иш материалларини текшириб, Конституциявий суд қуйидагиларни

## **а н и қ л а д и:**

Хоразм вилояти ҳокимлигининг 1996 йил 11 ноябрдаги 275-рақамли қарори билан қабул қилинган «Вилоят ҳудудида бадий жамоалар концерт гастрол фаолиятини ҳамда якка ижрочиларнинг тўй ва маросимларда бадий хизмат кўрсатишларини тартибга солиш мақсадида давлат рухсатномаси (лицензия) бериш ҳамда маданий хизмат бюроси фаолияти

тўғрисида»ги Низомнинг 2.7-бандида «Маҳалла кўмиталари ва қишлоқ кенгашлари оқсоқоллари ўз ҳудудларидаги тўй-маросимларда бадий хизмат кўрсатаётган жамоалар, гуруҳлар ва яқка ижрочиларнинг давлат рухсатномалари (лицензия) ва кундалик йўлланмаси бор-йўқлигини қаттиқ назорат қилиш учун маъсулдир» деб ёзилган.

Халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимликлар таркибига кирмайдиган, жамоатчилик асосида ишлайдиган фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқарув идоралари зиммасига бундай масъулиятни юклаш Конституция талабларига зиддир. Чунки Конституция 105-моддасининг 2-қисмида «Ўзини-ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади» деб кўрсатилган.

«Низом»нинг 2.7-банди Конституциянинг қонунларнинг устунлигини сўзсиз тан олиш ҳақида 15-моддасига ҳам зиддир.

Баён қилинганларга кўра, «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуннинг 25, 26 ва 27-моддаларига амал қилиб, Конституциявий суд

#### **қ а р о р қ и л д и:**

1. Хоразм вилояти ҳокимлигининг 1996 йил 11 ноябрдаги 275-рақамли қарори билан қабул қилинган «Вилоят ҳудудида бадий жамоалар концерт гастрол фаолиятини ҳамда яқка ижрочиларнинг тўй ва маросимларда бадий хизмат кўрсатишларини тартибга солиш мақсадида давлат рухсатномаси (лицензия) бериш ҳамда маданий хизмат бюроси фаолияти тўғрисида»ги Низомнинг 2.7-банди Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасига мувофиқ эмас деб топилсин.

2. Ушбу қарор қатъий, унинг устидан шикоят қилиш мумкин эмас.

**Ўзбекистон Республикаси  
Конституциявий суди**